

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ва ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ИРМАТОВ САРВАР ХИКМАТИЛЛАЕВИЧ

**ХИРУРГИЯДА ГЕПАТОПРОТЕКТИВ ЭКСТРАКОРПОРАЛ
ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2018

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Ирматов Сарвар Хикматиллаевич Хирургияда гепатопротектив экстракорпорал технологиялар.....	3
Ирматов Сарвар Хикматиллаевич Экстракорпоральные технологии гепатопротекции в хирургии.....	29
Irmatov Sarvar Hikmatillayevich Extracorporeal technologies of hepatoprotection in surgery.....	55
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	59

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ва ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ИРМАТОВ САРВАР ХИКМАТИЛЛАЕВИЧ

**ХИРУРГИЯДА ГЕПАТОПРОТЕКТИВ ЭКСТРАКОРПОРАЛ
ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2017.3.DSc/Tib241 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифасининг www.rscs.uz ва «Ziynet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Ибадов Равшан Алиевич тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Ибадильдин Амангельды Сейтказымович тиббиёт фанлари доктори, профессор Акбаров Миршавкат Миролимович тиббиёт фанлари доктори Саидов Аълонур Бахтинурович тиббиёт фанлари доктори
Етақчи ташкилот:	Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазирлиги «Н.И. Пирогов номи миллий тиббиёт-хирургия маркази» федерал давлат бюджет муассасаси

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__»_____куни соат 14⁰⁰даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик халқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Докторлик диссертацияси билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (33-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик халқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2018 йил «__»_____куни тарқатилди.
(2018 йил «__»_____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

А.Х. Бабаджанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.В. Девятков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «сўнги ўн йилликларда жигар циррози (ЖЦ) ривожланишига сабаб бўлувчи «В» ва «С» вирусли гепатитлари билан касалланиш кўрсаткичининг ўсиб бориши кўзатилмоқда, унинг фонида эса бутун дунёда 2015 йилда ўлим сони 720 минг кишини, жигар саратонига трансформация бўлганида эса – 470 минг кишини ташкил этди¹. ЖЦ нинг барча асоратлари таркибида ўткир жигар етишмовчилиги (ЎЖЕ) ўлимга олиб келувчи асосий сабаб бўлиб ҳисобланади. Замонавий интенсив даволашда эришилган муайян ютуқларга қарамай, «ушбу асоратда ўлим кўрсаткичи жуда ҳам юқори ва ҳаттоки ихтисослаштирилган гепатологик марказларда ҳам 60% дан кам эмас»². 1 млн. аҳоли ўртасида ЎЖЕ частотаси 144 ни ташкил этади. Ҳар йили 250000 ЎЖЕ ҳолатлари қайд этилади, «жигар хирургияси бўлимларида эса ўлимларнинг 50% нинг сабаб бўлмоқда»³. Шиш-асцит синдромининг ривожланиши ЖЦ нинг яна бир патогномоник белгиси бўлиб ҳисобланади.

Жаҳон тажрибасида маълумки, асцит пайдо бўлганидан бошлаб беморлар ҳаётининг давомийлиги 6 ойдан 3 йилгача муддатни ташкил қилади, биринчи йил давомида ўлим кўрсаткичи эса 40-70% гача етиб боради. Диффуз жараёнларда бу асоратнинг частотаси 85% га етади, 25% ҳолларда эса асцит касаллиқнинг биринчи белгиси сифатида намоян бўлади. Жигар касаллиқлари этиологияси ва патогенези тўғрисидаги таассуротларнинг ҳар йили янгиланиб туриши билимларни таснифлаш, уларни ташхислаш ва даволашга бўлган умумий ёндашувларни ишлаб чиқишни талаб этади. Бу умумевропа ва бутунжаҳон форумлари, ишчи гуруҳлари, келишув комиссиялари ишларида ўз аксини топади. Бунинг натижасида эса, жигар касаллиқларини ташхислаш ва даволашда ривожланиш кузатилиб, у ўз навбатида, ташхислашнинг молекуляр-биологик усуллари ривожланиши, юқори технологияли эндоваскуляр ва эндоскопик амалиётлар, оператив даволашнинг роботлашган технологиялари, организм экстракорпорал детоксикациясининг турли усуллари ва системаларининг татбиқ этилиши билан боғлиқдир.

Ватанимиз соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг завоначий босқичида шиш-асцит синдроми ва гепатоцеллюляр етишмовчилик билан беморларни хирургик даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар ўтказилмоқда. Ушбу йўналишда, хусусан, асцит синдроми бўлган ЖЦ билан беморларни ташхислаш сифати ва даволашнинг узок муддатдаги натижаларини яхшилашда, ижобий нтижалаларга эришилган. Шу билан бирга, декомпенсацияланган ЖЦ билан беморларга тиббий ёрдам

¹ World Health Organization. Global hepatitis report. 2017. <http://www.who.int/hepatitis/publications/global-hepatitis-report2017/en>.

² Kalambokis GN, Christodoulou D, Baltayiannis G, Christou L. Propranolol use beyond 6 months increases mortality in patients with Child-Pugh C cirrhosis and ascites. //Hepatology. 2016. Mar 26. doi: 10.1002/hep.28575.

³ Lee WM. Acute liver failure. //SeminRespirCrit Care Med., 2012; №33: P.36–45.

кўрсатиш тизимини такомиллаштириш учун диагностиканинг янги усуллари, шунингдек, мураккаб юқори технологик амалиётлар самарадорлигини баҳолаш бўйича илмий асосланган натижалар зарур. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлар бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақон ҳаёт кечирishiни таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган ¹. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, органопротекция ва экстракорпорал детоксикациянинг оригинал усуллари ишлаб чиқиш йўли билан шиш-асцит синдроми ва гепатоцеллюляр етишмовчилик билан беморларни хирургик даволаш натижаларини яхшилаш долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилич тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 266-сон «Жамоат соғлиғи ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

Шиш-асцит синдроми ва гепатоцеллюляр етишмовчилик билан беморларни хирургик даволашни яхшилашга қаратилган илмий-тадқиқот

¹ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

²Обзор международных научных исследований проведен с использованием следующих источников: Busk TM, Bendtsen F, Henriksen JH, et al. Effects of transjugular intrahepatic portosystemic shunt (TIPS) on blood volume distribution in patients with cirrhosis. // Dig Liver Dis. 2017 Jun 27. pii: S1590-8658(17)30941-6.; Lv Y, He C, Wang Z, Guo W, et al. Association of Nonmalignant Portal Vein Thrombosis and Outcomes after Transjugular Intrahepatic Portosystemic Shunt in Patients with Cirrhosis. // Radiology. 2017 Jul 5:162266. doi: 10; Cho E, Jun CH, Cho SB, Park CH, Kim HS, Choi SK, Rew JS. Endoscopic variceal ligation-induced ulcer bleeding: What are the risk factors and treatment strategies? // Medicine (Baltimore). 2017 Jun;96(24):e7157. doi: 10; Buechler C, Haberl EM, Rein-Fischboeck L, Aslanidis C. Adipokines in Liver Cirrhosis. // Int J Mol Sci. 2017 Jun 29;18(7). pii: E1392; Massoud OI, Zein NN. The Effect of Transjugular Intrahepatic Portosystemic Shunt on Platelet Counts in Patients With Liver Cirrhosis. // Gastroenterol Hepatol (N Y). 2017 May;13(5):286-291; Hernández-Gea V, Berbel C, Baiges A, García-Pagán JC. Acute variceal bleeding: risk stratification and management (including TIPS) // Hepatol Int. 2017 Jun 20. doi: 10; Гальперин Э.И., Дюжева Т.Г., Ахаладзе Г.Г., Егоров В.И., Жигалова С.Б., Карагюлян С.Р., Котовский А.Е., Мусин Р.А., Чевокин А.Ю., Шерцингер А.Г. Лекции по гепатопанкреатобилиарной хирургии / Под ред. Э.И. Гальперина и Т.Г. Дюжевой. - М.: Видар, 2011. - 528 с.; Назыров Ф.Г., Девятов А.В., Бабаджанов А.Х. Портосистемное шунтирование - приоритетное направление профилактики пищеводно-желудочных кровотечений в хирургии портальной гипертензии у больных циррозом печени // Анн. хирург, гепатологии. - 2010. - Т.XV, №3. - С.36-41.

ишлари дунёнинг кўпчилиги етакчи илмий марказлари ва ўқув юртлари томонидан, жумладан, Department of Hepatology, Copenhagen University Rigs hospital et (Copenhagen, Denmark), Department of Liver Diseases and Digestive Interventional Radiology of National Clinical Research Center for Digestive Diseases Fourth Military Medical University (Xian, China), Division of Gastroenterology, Department of Internal Medicine, Chonnam National University Medical School, (Gwangju, South Korea), Department of Internal Medicine I, University Hospital Regensburg, (Regensburg, Germany), Division of Gastroenterology and Hepatology University of Alabama at Birmingham in (Alabama, USA), Centro de Investigación Biomédica en Red de Enfermedades Hepáticas y Digestivas (Barcelona, Spain), А.В. Вишневский номи хирургия институти (Москва, Россия), Тошкент тиббиёт академияси клиникаси ва академик В.Вохидов номи Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази (Тошкент, Ўзбекистон) томонидан олиб борилмоқда.

Шиш-асцит синдроми ва гепатоцеллюляр етишмовчилик билан беморларни ташхислаш ва хирургик даволаш борасида дунёда олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий натижалар олинган, жумладан: ўткир гепатоцеллюляр етишмовчилик ривожланишининг катта эҳтимоллиги, гепатоген энцефалопатия, гепатоцитларнинг дастлабки гипоксияси оқибатида цитоллиз ва холестааз жараёнлари фаоллигининг жадаллашиб кетишини операцияга бўлган даврда етарлича баҳоламаслик ва уларнинг операциядан кейинги эрта даврда ёмонлашиб кетиши жигар касалликлари бўлган беморларни хирургик даволашни кенг кўламда татбиқ этишга жиддий тўсиқ бўлиши исботланган (Gastro-Hepatology Unit, Department of Medical Sciences, University of Torino, Turin, Italy); замонавий интенсив даволашдаги ютуқларга қарамай, ўткир жигар етишмовчилиги ёки жигар сурункали касалликларининг ўткир декомпенсациясида беморларнинг ўлим кўрсаткичи жуда юқориликча қолмоқда, ҳаттоки ихтисослаштирилган гепатологик марказларда ҳам 60% дан кам эмаслиги таъкидланган (Montefiore Medical Center/Albert Einstein College of Medicine, Department of Medicine, Bronx, New York); аниқланишича, шиш-асцит синдроми ва жараён фаллиги билан кечувчи декомпенсация босқичидаги ЖЦ билан беморлар энг оғир гуруҳни ташкил этади. Қизилўнгачдан қон кетиш ҳавфи юқори бўлган ЖЦ билан беморларда бу муаммо айниқса ўткир ҳисобланади. Бир тарафдан, бу беморларга хирургик амалиёт ўтказиш ЖЦ декомпенсациясига олиб келиш эҳтимоли юқори бўлса, иккинчи тарафдан, операцияни бажармаслик қизилўнгачдан қон кетган тақдирда бемор яшаб қолиши учун деярли имконият қолдирмайди (Hepatopancreatobiliary Surgery Treatment Center, Taihe Hospital, Hubei University of Medicine, Shiyan, China), бироқ, Baylor College of Medicine, Department of Medicine, Section of Gastroenterology and Hepatology, USA мутахассислари таъкидлашича, ҳозирги вақтда жигар фаолиятини экстракорпорал протезлаш усуллари жигар етишмовчилигини даволаш билан комплексида энг самарали даволаш усули бўлиб ҳисобланади, лекин, илмий маълумотларга асосланган органопротекциянинг янги

технологиялари ва рационал терапевтик алгоритмларни ишлаб чиқиш истиқболли йўналишлардан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда дунёда шиш-асцит синдроми ва гепатоцеллюляр етишмовчилик билан беморларни хирургик даволаш натижаларини яхшилашга бағишланган тадқиқотлар давом этмоқда. Бундай беморлар гуруҳининг узлуксиз ўсиб бориши, даволаш тактикаси масалаларида ягона ёндашув йўқлиги ва даволашнинг қоникарсиз натижалари ушбу касаллик клиник жиҳатларини қайта ишлашни давом эттириш заруратини белгилаб беради. Замонавий гемопротекторлар ва жигарнинг асосий функцияларини сунъий қувватлаб турувчи аппаратларнинг пайдо бўлганлиги, трансфузиология ва реаниматологиядаги ютуқлар, жигар хирургиясидаги янги технологиялар жигар етишмовчилигини даволаш муаммосини янги нуқтаи назардан ва замонавий даражада ўрганиш имконини беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнги 20 йилда ўткир ва сурункали жигар етишмовчилигини даволашда экстракорпорал гемокоррекция усулларини қўллаш бўйича бир қанча ишлар чоп этилган. Wong F.¹ фикрига кўра, «адабиётлардаги маълумотлар қарама-қаршилиқларга эга бўлиб, кўпинча кам сонли ва аралаш беморлардан иборат гуруҳларни даволаш натижаларининг таҳлилига асосланган». Экстракорпорал детоксикациянинг турли усулларини комплекс қўллашни баҳоловчи ишлар ҳаммабоп адабиётларда мавжуд эмас, мамлакатимиздаги кўпчилик гепатологик клиникалар анъана бўйича беморларни консерватив олиб бориш йўлини танлайдилар (Nunes G²., Patel HD³). Жигарнинг оғир зарарланишлари, айниқса, касалликнинг фульминант кечишида даволаш тактикасини аниқлашда қарама-қарши фикрлар мавжуд. Жигарнинг оғир зарарланишларида плазмаферез ва узайтирилган гемофилтрациянинг самарадорлиги тўғрисида ҳануз ягона фикрга келинмаган (Glargaard S⁴).

Glargaard S⁵ фикрига кўра, «фульминант жигар етишмовчилиги ва жигар сурункали касалликларининг терминал босқичи билан беморларга стандарт медикаментоз даво ўтказиш самарасиздир». Шу сабабли, хирургик гепатология ривожланишининг замонавий босқичида «операциядан кейинги эрта даврда полиорган етишмовчилик ривожланишини камайтиришигина эмас, балки оператив амалиётга кўрсатмаларни анчагина кенгайтириш имконини берувчи экстракорпорал детоксикация ва органопротекция

¹Wong F, Jepsen P, Watson H, Vilstrup H. Un-precipitated Acute Kidney Injury Is Uncommon Amongst Stable Patients with Cirrhosis and Ascites. // *Liver Int.* 2018 Mar 13. doi: 10.

²Nunes G, Fonseca C, Barosa R, Patita M, Gomes A, Botas J, Coelho H, Brito MJ, Fonseca J. Idiopathic chylous ascites in a patient with HIV infection: response to total parenteral nutrition and octreotide therapy. // *Clin J Gastroenterol.* 2018 Feb 9. doi: 10.1007/s12328-018-0832-x.

³Patel HD, Nevah Rubin MI. Posttransplant Lymphoproliferative Disorder in a Patient with Worsening Ascites after Liver Transplantation. // *Case Rep Hematol.* 2017;2017:7247438.

⁴Glargaard S, Boysen T, Pilely K, Garred P, Ytting H. Prognostic value of lectin pathway molecules and complement proteins in ascitic fluid and blood in patients with liver cirrhosis. // *Scand J Gastroenterol.* 2018 Jan;53(1):64-69.

⁵Gottfriedová H, Horáčková M, Čáslavská M, Špičák J, Schück O. Disorders of water and electrolyte metabolism and changes in acid-base balance in patients with ascitic liver cirrhosis // *CasLekCesk.* 2017 Summer;156(3):150-152.

усулларини кўллаш истикболли ҳисобланади» (Ascione T.¹). Pose E² бошчилигидаги муаллифлар гуруҳи кўрсатишича, «аутоасцит суюқлигини вена ичига катта ҳажмларда юбориш қорин бўшлиғида сурункали йиғилиб қолган суюқлик туфайли келиб чиққан гемодинамик таъсирни бартараф этади, айланиб юрган плазма ҳажмини оширади, буйракда қон оқими ва қовузлоқлардаги фильтрация миқдорини оширади, асцит билан беморларда кучли пешоб ҳайдовчи таъсир кўрсатади». Шу билан бирга, бугунги кунда кўлланаётган асцит суюқлигининг реинфузияси усуллари мукамалликдан йироқ бўлиб, бу ҳолат шу йўналишнинг ривожланишига тўсқинлик қилади. Шундай қилиб, бевосита реинфузиянинг маълум усуллари билан бирортаси ҳам меҳнатталаблиги, асептикага риоя қилишнинг мураккаблиги ва қуйилаётган асцит таркибида оқсил концентрациясининг камлиги туфайли кенг тарқалмаган. «Билвосита реинфузия усуллари ичида энг мукаммали бўлиб асцит суюқлиги ультрафильтрацияси ва уни қайтариш усули ҳисобланади. Тўлақон оқсил фракцияларини сақлаб қолиш ва ўзига қайтариб қуйиш учун асцитнинг ультрафильтрацияси ва концентрация қилувчи вариантлари ЖЦ ни хирургик даволаш натижаларига таъсир қилиш имконига эга» (Назирова Ф.Г.³).

Адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, ЖЦ ва бошқа касалликлар фонидида ЎЖЕ билан беморларни даволаш натижалари анчагина яхшиланган бўлиб, асцит синдроми билан асоратланган ЖЦ да дарвоза-жигар гемодинамикаси бузилиши даражасини аниқлаш муаммоси энг долзарб ва белгиланган бўлиб қолмоқда. Жигарнинг диффуз зарарланишлари бўлган беморларда жигар етишмовчилиги оғирлик даражасига боғлиқ равишда қондаги морфометрик ва гемостезиологик бузилишларни аниқлаш масалалари энг долзарблигича қолмоқда. Шу жумладан, гепатоцеллюляр етишмовчилик билан беморларда даволаш-ташхислаш тактикасининг стандартлаштирилган протоколлари ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш масалалари муҳим аҳамият касб этади.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти академик В.Вохидов номли Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг қуйидаги мавзулар бўйича илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ бажарилган: ИТСС-4-4 «Эндотоксемия синдроми ва полиорган етишмовчилик билан беморларда детоксикация усуллари технологияларини такомиллаштириш» (2009-2011йй.) ва ФДСС 12-4 «Портал гипертензияни хирургик коррекциясида органопротекцияни таъминлашда жигар циррози билан беморларда гепатодепрессия патогенезини тадқиқ этиш» (2012-2016йй.).

¹Ascione T, Di Flumeri G, Boccia G, De Caro F. Infections in patients affected by liver cirrhosis: an update. // Infez Med. 2017 Jun 1;25(2):91-97.

²Pose E, Cardenas A. Translating Our Current Understanding of Ascites Management into New Therapies for Patients with Cirrhosis and Fluid Retention. // Dig Dis. 2017;35(4):402-410.

³Назыров Ф.Г., Ибадов Р.А. Стандартизация лечебной тактики печёночной энцефалопатии у пациентов с циррозом печени после хирургического вмешательства //Сәғаһиуэ. Ваку, 2011. - №3 (27) - Р. 41-43.

Тадқиқотнинг мақсади органопротекция ва экстракорпорал детоксикациянинг оригинал усуллари ишлаб чиқиш йўли билан шиш-асцит синдроми ва гепатоцеллюляр етишмовчилик билан беморларни хирургик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ЖЦ макроскопик турига боғлиқ равишда асцит синдроми ривожланиш частотасини аниқлаш;

асцит синдроми билан асоратланган ЖЦ да дарвоза-жигар гемодинамиканинг бузилишлар даражасини аниқлаш;

кизилўнғач-ошқозондан қон кетишни бошдан кечирган ЖЦ билан беморларда асцит синдромининг кечиш оғирлигини баҳолаш;

портосистем шунтлаш амалиётидан кейин яқин даврда асцит суюқлигининг миқдорий ва сифатий таркибини ўрганиш;

шиш-асцит синдроми бўйича декомпенсацияланган ЖЦ билан беморларнинг портосистем шунтлашдан сўнг яшаб қолиш кўрсаткичини аниқлаш;

хирургик даволаш босқичларида декомпенсацияланган ЖЦ билан беморларда асцит суюқлигининг реинфузия усулини такомиллаштириш;

жигарнинг диффуз зарарланишлари бўлган беморларда жигар етишмовчилиги оғирлик даражасига боғлиқ равишда қондаги морфометрик ва гемостезиологик бузилишларни аниқлаш;

эксперимент «*in vitro*» шароитида ЎЖЕ да экстракорпорал детоксикациянинг янги технологияларини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини баҳолаш;

гепатоцеллюляр етишмовчилик билан беморларда даволаш-ташхислаш стандартлаштирилган протоколларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида академик В.Вахидов номли Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида 1976 йилдан 2015 йилгача муддатда турли оғирлик даражасидаги жигар етишмовчилиги билан текширилган ва даволанган 905 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети портал гипертензия хирургиясида экстракорпорал детоксикация ва органопротекциянинг янги технологияларини қўллашнинг турли вариантлари натижаларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида қуйидаги усуллардан фойдаланилди: умумий клиник, инструментал (ультратовуш, эндоскопик, ангиографик ва радионуклид текширув усуллари) ва лаборатор мониторинг ва морфологик текширувларнинг махсус усуллари, шунингдек статистик таҳлил.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

асцит синдроми билан асоратланган ЖЦ билан беморларда асцитотикворосорбция усули ишлаб чиқилган;

ЖЦ билан беморларда портосистем шунтлашнинг турли вариантларидан сўнг дарвоза-жигар гемодинамикаси турли кўрсаткичлари ва асцит синдроми ривожланиши ўртасида сабаб-оқибат боғлиқликлари ўрганилган;

шиш-асцит синдроми бўйича декомпенсацияланган ЖЦ билан беморлар портосистем шунтлашдан сўнг яшаб қолиш эгриликлари ўрганилиб, гепатоцитлар функционал декомпенсацияси омилларининг прогностик аҳамияти аниқланган;

ЎЖЕ ва шиш-асцит синдромида органопротекция ва организмнинг экстракорпорал детоксикацияси турли усулларининг самарадорлиги «*in vitro*» шароитда аниқланган;

асцит концентрати ўринбосар даволаш учун мўлжалланган юқори даражада умумий оксил ва унинг альбумин фракциясини сақловчи трансфузион оксил эритмаси сифатида қабул қилиниши мумкинлиги исботланган;

юрак, жигар ва жигардан ташқари ўт йўллари касалликлари билан беморларда амалиётдан кейинги яқин даврда ЎЖЕ ва унинг оқибатлари ривожланишини прогнозлаш жиҳатидан периферик қоннинг морфологияси текширилган;

гемоциркулятор микроокклюзия билан жигар ичи алмашинув жараёнларининг бузилишига боғлиқ бўлган гемик ва циркулятор гипоксия жараёнлари ифодаланиш даражасини носпецифик морфологик аниқлаш учун эритроцитлар шакли экспресс мониторингининг аҳамияти аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

асцит синдроми ривожланишининг ЖЦ кечиши ва портал генезли кизилўнгач-ошқозондан қон кетишларнинг хирургик профилактикаси натижаларига таъсирининг прогностик аҳамияти ўрганилган;

шиш-асцит синдроми бўйича декомпенсациянинг портосистем шунтлашдан сўнг ЖЦ билан беморларнинг яшаб қолиш прогнозига таъсири ўрганилган;

ЖЦ билан беморларнинг яшаб қолиш ва ҳаёт сифати кўрсаткичларини яхшиловчи гепатоцеллюляр етишмовчилик ва гепаторенал синдромни даволаш алгоритмларининг самарадорлиги аниқланган;

альбумин фракциясининг юқорилиги ва натрий миқдорининг камлиги ҳисобига оксил етишмовчилигини компенсация қилиш ва асцит концентратини ЖЦ билан беморларда шиш-асцит синдромини базис давоси сифатида қўллаш имконини берувчи асцит суюқлигининг реинфузияси усули ишлаб чиқилган;

«қалин томчи» экспресс усули ёрдамида периферик қондаги эритроцитларни морфометрик текшириш интенсив даволаш ва қон томир ичи лазер нурлантириш самарадорлигини баҳолашнинг муқобил ва объектив усули бўлиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, ташхислаш ва даволашнинг замонавий усуллари, услубий жиҳатдан тўғри ёндашиш ва статистик таҳлил тўпламларини қўллашга асосланган. Статистик ишлов бериш олинган натижаларнинг ишончлилигини тасдиқлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олинган натижалар портал гипертензия хирургиясининг замонавий ютуқларига

сезиларли хисса қўшади. ЎЖЕ ва шиш-асцит синдромида органопротекция ва организмнинг экстракорпорал детоксикацияси турли усулларининг самарадорлиги «*in vitro*» шароитда аниқланган. Гемик ва циркулятор гипоксия жараёнлари ифодаланиш даражасини носпецифик морфологик назорати учун эритроцитлар шакли экспресс мониторингининг аҳамияти аниқланган. Шиш-асцит синдроми бўйича декомпенсацияланган ЖЦ билан беморлар портосистем шунтлашдан сўнг яшаб қолиш эгриликлари ўрганилиб, гепатоцитлар функционал декомпенсацияси омилларининг прогностик аҳамияти аниқлаган. Тадқиқотнинг айрим натижалари ЎЖЕ билан беморларни ташхислаш ва даволаш бўйича магистрлар, клиник ординаторлар ва курсантларни ўқитиш дастурининг таркиби ва структурасини такомиллаштириш мақсадида қўлланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, гепатоцеллюляр етишмовчилик ва гепаторенал синдромни даволаш учун таклиф этилган комплекс ёндашиш ва ташхис алгоритми ЖЦ билан беморларни яшаб қолиш натижаларини яхшилади. Альбумин фракциясининг юқорилиги ва натрий миқдорининг камлиги ҳисобига асцит суюқлиги реинфузиясининг ишлаб чиқилган усули оксил етишмовчилигини компенсация қилиш ва асцит концентратини ЖЦ билан беморларда шиш-асцит синдромини базис давоси сифатида қўллаш имконини бериши кўрсатилган. Таклиф этилган усуллар техник жиҳатдан бажарилиш осон, ихтисослаштирилган касалхоналарда қўллаш учун қулай ва катта иқтисодий харажатлар талаб қилмайди. «Қалин томчи» экспресс усули ёрдамида периферик қондаги эритроцитларни морфометрик текшириш интенсив даволаш ва қон томир ичи лазер нурлантириш самарадорлигини баҳолашнинг муқобил ва объектив усули бўлиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Асцит синдроми бўлган ЖЦ билан беморларни даволаш натижаларини яхшилаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

ишлаб чиқилган «Асцит синдроми билан асоратланган жигар циррози бўлган беморларда асцитотикворосорбция усули»га Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 03728-сон патент, 2008 йил). Асцит суюқлигини дефибринлаш, филтрлаш ва концентрлашнинг таклиф этилган усули уни сифатий таркиби жиҳатдан стандарт 5% альбумин ёки протеинга яқинлаштириш имконини берган;

«Портосистем шунтлашдан кейинги яқин даврда жигар циррози билан беморларни интенсив даволаш стандартлари» услубий қўлланмаси ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 2 мартдаги 8Н-д/35-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар беморларни даволаш сифатини 65% дан 78% гача ошириш имконини берган;

жигар етишмовчилиги билан беморларни даволаш тактикасини танлаш услубияти ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 2 мартдаги 8Н-д/35-сон маълумотномаси). Таклиф этилган усуллар жигар етишмовчилиги билан беморларни ташхислаш ва даволашнинг бевосита натижаларини яхшилаш имконини берган;

шиш-асцит синдроми ва гепатоцеллюляр етишмовчилик билан беморларни хирургик даволаш натижаларини яхшилашга бағишланган тадқиқотдан олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, академик В.Воҳидов номли Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази, Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг шошилишч хирургия бўлими, У.Халмуратов номли Қорақалпоғистон Республикаси кўп тармоқли тиббиёт марказининг хирургия бўлими, Андижон вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг хирургия бўлими амалий фаолиятига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 2 мартдаги 8Н-д/35-сон маълумотномаси) татбиқ этилган. Шиш-асцит синдроми ва гепатоцеллюляр етишмовчилик билан беморларни даволашга таклиф этилган комплекс ёндашувнинг қўлланиши яқин ва узоқ муддатдаги натижаларни яхшилаш ва кўрсатилаётган ёрдам сифати даражасининг ижобий кўрсаткичини 50,9% дан 73,9% гача кўтариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация мавзуси бўйича, 17 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан 9 та хорижий ва 8 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 38 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан 11 та мақола, улардан 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етти та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўткир ва сурункали жигар етишмовчилигини даволаш муаммосига замонавий нигоҳ**», деб номланган биринчи боби адабиётлар шарҳига бағишланган бўлиб, жигар етишмовчилиги муаммосини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар, замонавий адабиётларнинг таҳлили ўтказилган тўртта бўлимдан иборат. Жигар зарарланганида унинг синтезловчи, метаболик ва детоксикацияловчи вазифаларининг бузилиши аммиак, оксидатив стресс медиаторлари, ўт кислоталари, азот оксиди, лактат, арахидон кислотаси

метаболизми маҳсулотлари, эндоген бензодиазепинлар, индоллар, меркаптанлар, яллиғланиш цитокинлари каби токсик моддаларнинг организмда йиғилиб қолишига олиб келади. Натижада эса систем бузилишлар юзага келади – гипертоник турдаги қон айланишга олиб келувчи циркуляция бузилишлари, коагуляцион ва иммунологик бузилишлар. Бунга қўшимча равишда яллиғланиш медиаторлари ва оксидатив стресс метаболитларининг ортиб кетиши оқибатида жигарнинг иккиламчи зарарланиши юзага келади ва натижада полиорган дисфункция белгилари клиник жиҳатдан намоян бўлади, кейинчалик эса септик асоратлар ҳам қўшила бошлайди. Бундай мураккаб патогенез жигар етишмовчилигида жигарнинг фаолиятини тиклашга турлича назарий ва патофизиологик ёндашувлар туғилишига сабаб бўлган.

Диссертациянинг «**Материалнинг клиник тавсифи ва текширув усулларининг шарҳи**», деб номланган иккинчи бобида тадқиқотга киритилган беморларнинг умумий тавсифи, шунингдек, уларни текшириш вақтида қўлланган инструментал, лаборатор ҳамда морфологик тадқиқот усуллари тўғрисида атрофлича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот академик В.Вохидов номли Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида 1976 йилдан 2015 йилгача даврда турли даражада ифодаланган жигар етишмовчилиги бўйича текширилган ва даволанган 905 нафар беморда ўтказилган текширувларнинг таҳлилига асосланган.

Барча беморлар жигар етишмовчилиги ривожланиш этиологиясига кўра 3 гуруҳга бўлинган. Биринчи гуруҳни туғма (7 нафар) ва орттирилган (8 нафар) юрак нуқсонининг коррекциясидан сўнгги даврда постперфузион синдром (6 нафар), «чап қоринча зарб ҳажмининг камлиги» синдроми (3 нафар) ва ўнг қоринча етишмовчилиги (3 нафар) фонида жигар-буйрак етишмовчилиги билан асоратланган 15 нафар бемор ташкил қилган бўлиб, уларда ЎЖБЕ ни даволашда экстракорпорал детоксикациянинг турли усуллари бажарилган. Бу гуруҳдаги беморларда жигар етишмовчилигини даволашдан олдин ва кейин қоннинг морфологик текшируви ўтказилди.

Алоҳида бўлган иккинчи гуруҳни механик сариклик, йирингли холангит ва билиар сепсис фонидаги гепатоцеллюляр етишмовчилик билан 23 нафар бемор ташкил этган. Беморларнинг бу гуруҳида экспериментал (*in vitro*) шароитда ЭКД сорбцион усуллари турли вариантларининг самараси баҳоланди. Бу гуруҳларнинг чуқурроқ тавсифи диссертациянинг 5 ва 7 бобларида келтирилган.

ЎЖЕ ва шиш-асцит синдромини даволаш борасида энг катта тажриба жигарнинг диффуз касалликлари бўлган беморларда тўпланганини эътиборга олиб, ушбу асоратларнинг клиник кечиш ва коррекция хусусиятларини ўрганиш учун асосий гуруҳга ПГ ли ЖЦ бўлган 867 нафар бемор киритилган. Уларнинг барчаси академик В.Вохидов номли Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг жигар ва ўт йўллари бўлимида 1976 йилдан 1992 йилгача ва портал гипертонизия ва панкреатодуоденал соҳа хирургияси бўлимида 1992 йилдан 2015 йилгача бўлган даврда оператив даволанган. Ҳамма беморларга турли

вариантлардаги ПСШ амалиёти бажарилиб, портал системани декомпрессияси турига қараб марказий ва селектив шунтларга бўлинган.

Диссертациянинг «Портал гипертензияли жигар циррози билан беморларда асцит синдроми кечишининг клиник-патогенетик хусусиятлари», деб номланган учинчи боби профилактик ПСШ бажариш режалаштирилган, ПГ бўлган ЖЦ билан беморларда шиш-асцит синдроми ривожланиши ва кечишининг айрим клиник-патогенетик жиҳатларини ўрганишга бағишланган. 1976 йилдан 2015 йилга қадар 40-йиллик хронологик даврда академик В.Вохидов номли Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида ПГ билан асоратланган жигарнинг диффуз касалликлари бўлган 867 нафар беморларни ихтисослаштирилган текшириш ва портал гипертензиянинг асоратларини хирургик даволаш натижаларининг ретроспектив илмий таҳлили тадқиқотнинг асосига олинган. Барча беморларга турли вариантлардаги ПСШ бажарилган.

ЖЦ клиник манзарасининг полисистем характерга эгаллигини эътиборга олган ҳолда, шиш-асцит синдроми ривожланишига ва оқибатда оператив даволаш натижасига таъсир қилувчи энг етакчи белгиларни аниқлаган ҳолда барча текширилган беморлар ўрганилди. Айнан, клиник-анамнестик, морфологик, антропометрик жиҳатлар, уларнинг жигар ва портолиенал ҳавза гемодинамик ва функционал кўрсаткичлари билан корреляцион боғлиқликлари ўрганилган.

Ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатдики, ЖЦ билан беморларда қоннинг биокимёвий таҳлиliga асосан жигарнинг функционал ҳолати баҳоланганида фиброз билан беморлардаги ўртача кўрсаткичлардан катта фарқланмади. ЖЦ билан беморларда қоннинг биокимёвий таҳлили кўрсаткичлари меъёрга мос эмас эди. Ўз навбатида, жигар фиброзида цитолиз, мезенхимал яллиқланиш ва жигарнинг оксил-синтезловчи фаолияти кўрсаткичлари ЖЦ нинг ҳар қандай турига нисбатан яхшироқ эди. Радионуклид текширув натижаларига кўра жигарнинг қон оқими барча гуруҳлардаги беморларда таққосланди ва ишончли фарқланиш кузатилмади (1-жадвал). Жигар ичи тўсиқларининг барча турларида жигар умумий қон оқимининг (ЖУҚО) дефицити ўртача 21,6% дан 28,2% гача аниқланди.

1-жадвал

Жигарнинг макроскопик кўринишига боғлиқ равишда умумий қон оқими кўрсаткичлари

Жигарнинг ҳолати	АҚМ (мл/мин)	ЖУҚОх (мл/мин)	ЖУҚОа (мл/мин)	Қон оқими дефицити (%)
Йирик тугунли ЖЦ	3947,3±61,0	888,0±20,6	702,8±17,5	28,2±1,4
Майда тугунли ЖЦ	3645,3±72,3	829,3±18,7	702,5±11,2	21,6±0,9
Аралаш ЖЦ	4376,5±59,4	1005,8±22,8	799,8±13,8	24,6±0,8
Жигар фибрози	3864,1±48,7	873,2±19,4	667,4±12,6	23,9±1,1

Шундай қилиб, юқори ПГ билан беморларда жигар ичи тўсиғи фонид асцит синдромининг ривожланиш частотаси ЖЦ нинг макроскопик турига боғлиқ эмас ва 39,6-46,7% ҳолларда аниқланди, ўз навбатида, жигар фиброзида асцит 29,3% ҳолларда кузатилди. ЖЦ дан фарқли равишда, жигар фибрози фонидаги жигар ичи тўсиғида цитолиз ва гепатоцитлар функционал ҳолатининг қониқарли кўрсаткичлари аниқланди, ўз навбатида. Жигар умумий қон оқими дефицити тугунли трансформацияда олинган кўрсаткичлардан ишончли фарқ қилмади ва ўртача 24,6% ни ташкил этди. Бинобарин, фиброз фонид асцит синдромининг ривожланишида ПГ нинг жадаллашиб бориши асосий этиологик белги бўлиб, ЖЦ учун эса ушбу омилнинг гепатоцитлар функционал ҳолатининг сусайиши, цирроз жараёни фаоллигининг ифодаланганлиги ва оқсил-синтезловчи фаолиятининг депрессияси билан таъсири натижаси ҳисобланади.

ҚОВКВ дан қон кетиш ҳавфи мавжуд ПГ ли ЖЦ бўлган беморларда антропометрик кўрсаткичларга боғлиқ равишда асцит синдромининг ривожланиш частотасининг таҳлили турли конституционал тана тузилиши бўлган беморларда сезиларли фарқланишлар аниқламади, ёш омили эса 60 ёшдан катта беморларда сезиларли фарқланиш мавжудлигини, асцит ривожланиш частотаси эса 55,0% га етишини аниқлади.

Диссертациянинг «**Портосистем шунтлаш натижалари ва асцит синдромли жигар циррози билан беморларнинг яшаб қолиши**», деб номланган тўртинчи бобида шиш-асцит синдроми ва ҚОВКВ дан қон кетиш ҳавфи бўлган ЖЦ билан беморлардаги ПСШ натижаларининг таҳлили акс эттирилган. Ушбу асоратнинг операциядан кейинги давр кечишига, узоқ муддатларда беморларнинг яшаб қолиш кўрсаткичига таъсири қиёсий жиҳатдан ўрганилган. 2000 йилдан 2015 йилгача бўлган даврда операция бажарилган 556 та беморда ПСШ натижалари таҳлил қилинган (2-жадвал). Асцит синдромининг ривожланиши ва жадаллашиб бориши билан боғлиқ бўлган барча хусусиятлар таҳлил асосига олинган. Шунтлаш турига боғлиқ равишда таҳлил ўтказилганида энг кўп бажариладиган шунтлар (ДСРА, ПСРА, Н-СРА, ЛЛСРА, ССРА) гуруҳларида тадқиқот ўтказилган.

Шунтлашнинг селектив тури (ДСРА) 318 та (57,2%), марказий турдаги ПСШ – 238 та (42,8%) беморда бажарилган.

Операциядан олдин асцит йўқлиги (n=290), ўртача (n=217) ёки кўп (n=49) миқдорда асцит бўлганига боғлиқ равишда ПСШ дан кейинги яқин даврда асоратлар гуруҳи таҳлил қилинди.

Қоннинг биокимёвий кўрсаткичларига кўра, жигар етишмовчилиги белгилари 56 та (10,1%) беморда аниқланди. Шунтлаш турига боғлиқ равишда фарқланиш аниқланмади, лекин асцит синдроми бўйича дастлабки декомпенсация бўлган беморлар гуруҳида бу асоратнинг частотаси нисбатан кўп бўлиб, селектив шунтлаш оғир даражада 4,1% ва ўртача даражада – 8,3%, марказий ПСШ дан кейин эса, тегишли равишда 5,2% ва 7,3% ни ташкил қилди. Дастлаб кўп асцит бўлган беморларда бу кўрсаткичлар янада юқори бўлди.

Жигар энцефалопатиясининг (ЖЭ) латент турини ташхислаш учун «HEPAtonom™ – Analyzer» (Германиянинг «MERZ» компанияси) аппаратидан фойдаланилди. Бу аппарат ёрдамида аниқланган милтиллашнинг критик частотаси (МКЧ) натижалари ПСШ босқичларида ЖЭ оғирлигини баҳолаш учун мезони бўлиб хизмат қилди. Шу билан бирга ЖЭ нинг клиник шакли ҳам қайд қилинди. Шунтлашнинг турига қараб таққосланганда, марказий шунтлар гуруҳида дастлаб асцит бўлмаган беморларда ишончли фарқланувчи анча юқори кўрсаткичлар олинди ($P < 0,05$). Асцит синдроми бўйича дастлаб декомпенсация бўлган беморлар гуруҳида бу асоратнинг частотаси юқори, лекин селектив ва марказий шунтлар орасида ишончли фарқланиш кузатилмади. Шунини таъкидлаш лозимки, операциядан олдин асцит бор-йўқлигидан қатъий назар, шунтлашнинг тури ЖЭ частотасига ишончли таъсир этади ($P < 0,001$) (3-жадвал).

3-жадвал

ПСШ дан сўнг шунт турига боғлиқ равишда жигар энцефалопатиясининг ривожланиш частотаси

Асцит	Селектив шунт				Марказий шунт				ПСШ турига қараб χ^2 мезони ПСШ ($df=2$)	
	Латент ЖЭ		Клиник ЖЭ		Латент ЖЭ		Клиник ЖЭ			
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%	Кўрс.	P
Асцит йўқ	59	35,5%	15	9,0%	56	45,2%	20	16,1%	8,721	<0,05
Ўртача асцит	53	43,8%	15	12,4%	49	51,0%	19	19,8%	5,537	>0,05
Кўп асцит	16	51,6%	5	16,1%	10	55,6%	4	22,2%	0,665	>0,05
ЖАМИ	128	40,3%	35	11,0%	115	48,3%	43	18,1%	14,236	<0,001


Барча ПСШ ичида дастлаб асцит бўлмаган беморларда латент ЖЭ 39,7% ва клиник ЖЭ – 12,1%, дастлаб асцит бўлган беморлар гуруҳида эса бу кўрсаткичлар ишончли юқори эди, бу эса шуш-асцит синдромининг ЖЭ ривожланиш частотасига таъсири борлигини англатади (4-жадвал).

4-жадвал

ПСШ дан сўнг жигар энцефалопатиясининг ривожланиш частотаси

Асцит	Барча ПСШ				Асцит кўплигига кўра χ^2 мезони ($df=2$)	
	Латент ЖЭ		Клиник ЖЭ			
	Абс.	%	Абс.	%	Кўрс.	P
Асцит йўқ	115	39,7%	35	12,1%	9,114	<0,05
Ўртача асцит	102	47,0%	34	15,7%	3,623	>0,05
Кўп асцит	26	53,1%	9	18,4%	4,182	>0,05
ЖАМИ	243	43,7%	78	14,0%		

1-расмда турли даражадаги ЖЭ ривожланганлигининг қиёсий частотаси келтирилган. Дастлаб асцит мавжуд бўлган ҳолларда бу асорат 64,3% (266 нафардан 171 таси), асцит бўлмаган ҳолларда эса – 51,7% (290 нафардан 150 таси) беморни ташкил қилди.



1-расм. ПСШ дан сўнг турли оғирликдаги жигар энцефалопатияси ривожланиши жамланма частотаси

Шуни таъкидлаш лозимки, ЖЭ нинг ҳар қандай тури, ҳаттоки латент даражаси ҳам, клиник аҳамиятга эга, шунинг учун ПСШ дан олдин ва кейин ушбу асоратнинг бор-йўқлигидан қатъий назар стандартлаштирилган гепатотроп даволаш (L-орнитин-L-аспартат, Гепат-Мерц) тавсия этилади. Операциядан кейинги реабилитация фонида ЖЭ белгилари 3-4 кунларда бартараф этилди.

Шундай қилиб, ПСШ дан кейин ЖЦ билан беморларда шиш-асцит синдроми ривожланганида ёки жадаллашиб кетганида яшаб қолиш кўрсаткичлари камайиб, бир йилгача муддатда 88% ни ташкил этади, бу асорат бўлмаганида эса бу кўрсаткич 96% ни ташкил қилган; 3 йилгача муддатда бу кўрсаткичлар, тегишли равишда, 62% ва 88%, беш йилгача муддатда эса – 33% ва 78%. Бу кўрсаткич ва ҳолатлар жигардаги патологик жараённинг жадаллашиб бориш даражасини акс эттиради ва функционал декомпенсацияли ЖЦ билан беморларнинг яшаб қолиши камайишини кўрсатади ва асцит синдромининг жадаллашиб бориши унинг кўринишларидан бири бўлиб ҳисобланади. ПСШ дан кейин ЖЦ декомпенсациясининг бошқа белгилари бўлмаган ҳолда, шиш-асцит синдроми ривожланганида 1 йиллик яшаб қолиш кўрсаткичи 92%, 3 йиллик – 70% ва 5 йиллик – 48% ни ташкил қилди; бу асоратнинг мезенхимал-яллиғланиш ва холестатик синдромлар билан бирга келиши ушбу кўрсаткичларни тегишли равишда 70%, 36% ва 10% гача камайтириб юборади.

Диссертациянинг «Гепатоцеллюляр етишмовчилик ва гепаторенал синдром билан беморларда экстракорпорал детоксикациянинг янги технологияларини ишлаб чиқиш», деб номланган бешинчи боби асцитотоксифильтрация ва асцит суюқлиги реинфузиясининг янги усулини ишлаб чиқишга бағишлаган.

Таклиф қилинаётган усулнинг вазифалари қуйидагича: техник бажарилиши ва таъминланиши энг содда, самарали ва шу билан бирга

абсолют ишончли бўлган асцит суюқлигини билвосита реинфузияси учун ЖЦ билан беморларда асцитоликворосорбция усулини клиник шароитлар учун қўллаш. Бу ушбу усулни бир тарафдан, диуретикларга резистент асцитда, иккинчи тарафдан эса, ушбу беморлар гуруҳини хирургик даволаш босқичларида ўтказиладиган реабилитация чора-тадбирларининг таркибий қисми сифатида қўллаш имконини беради.

Қўйилган вазифани бажариш учун асцит синдроми билан асоратланган ЖЦ билан беморларда асцитоликворосорбция усулида асцит суюқлигини ўз-ўзига қайтариб қуйиш билвосита реинфузия йўли билан асцитни махсус қайта ишлашдан сўнг амалга оширилади.

Таклиф этилаётган усулнинг техник натижаси аутоасцит суюқлигини қуйишнинг салбий оқибатларини бартараф этишдан иборат бўлиб, билвосита реинфузияни амалга ошириш имконини берувчи жиддий белгиларнинг мажмуаси билан боғлиқ, яъни:

- Асцит суюқлигини қоннинг шаклли элементларидан тозалаш босқичи.
- Асцит суюқлигини дефибринлаш босқичи.
- Ультрафилтрация усулида асцит суюқлигини тозалаш ва концентрлаш босқичи.
- Тозаланган, дефибринланган, концентрланган асцит суюқлигини стериллаш ва консервация қилиш.

Прототиплар билан таққослаш шуни кўрсатдики, таклиф этилган усул аввалги усуллардан асцит суюқлигидаги оқсил фракцияларини сақлаб қолган ҳолда махсус босқичли тозалаш йўли билан стерил ва концентрланган аутоасцит суюқлигини олишга эришилишидан иборат. Бу йўл билан аутоасцит суюқлигининг апиногенлигига ва реинфузиянинг максимал самарасига эришилади.

Физиологик концентрацияда (40-50 г/л) альбумин плазманинг коллоид осмотик босимининг 60-80% ини таъминлаб беради. Альбумин ва протеин эритмалари этанол билан совуқ фракциялаш усулида олинади. Уларнинг таркиби 5-жадвалда кўрсатиб ўтилган. Альбумин эритмаларида стабилизатор сифатида, одатда, каприлат натрия ишлатилади. Охириги маҳсулот филтрация усулида стерилланади ва пастеризацияланади (10 дақиқа давомида 60°C ҳароратда иситилади). Қўллаш учун чиқаришдан аввал альбумин эритмаси бўлган флаконлар каратин сақлаш учун 30-32°C ҳароратда 2 ҳафтадан кам бўлмаган муддатда сақланади. Технологияларга амалга қилган ҳолда тайёрланган препарат гемотрансмиссив инфекциялар кўзғатувчиларини сақламайди.

Альбумин ва бошқа оқсил воситаларини қўллашда ноўя таъсирларнинг ривожланиш эҳтимоллиги нисбатан паст. Альбумин эритмасини қўллаганда салбий реакциялар қаторига қуйидагилар киради: пироген (ваража, иситма); генераллашган (кўнгил айниши, қайд қилиш, қориндаги оғриқ); аллергик (эшакем, нафас олишнинг бузилиши, тахикардия, гипотензия, коллапс); алоҳида келган гипотензия; гиперволемиа; интоксикация.

Альбумин эритмасининг таркиби (Жибурт Е.Б., 2002)

Кўрсаткич	Альбумин 5% эритмаси	Альбумин 20% эритмаси	Протеин
Альбумин концентрацияси (г/л)	50	200	50
Альбумин (умумий оксилга нисбатан %)	>96	>96	>85
Коллоид осмотик босим (мм.рт.ст.)	26-30	100-120	26-30
Натрий (ммоль/л)	140-160	140-160	140-160
Калий (ммоль/л)	<2	<10	<2
Цитрат (ммоль/л)	<15	<15	<15

Альбумин (протеин ва плазма каби) яхлит оксил молекулаларидан иборат. Бу молекулалар мембрананинг тузилиш хусусиятлари туфайли хужайрага киришга қодир эмас, бу оксилларнинг бўлиниши эса кўп вақт талаб қилади (уларнинг ярим парчаланиш даври 18 дан 60 кунгача). Шу билан бирга, уларнинг биологик қиммати бошқа ўсимлик ва ҳайвон оксилларидан пастроқ, чунки уларда изолейцин ва триптофан каби ўрнини босиб бўлмайдиган аминокислоталар жуда кам. Шунинг учун ҳам альбумин эритмасини парентерал изиқлантиришда қўллаш мумкин эмас.

Асцит суюқлигининг оқил ўринбосар давосида физиологик жихатдан қўллаш мумкин бўлсада, кўпчилик муаллифлар, энг аввало, унинг токсиклиги ва биокимёвий таркибининг турличалиги туфайли бир қатор ножўя таъсирлар қайд қилганлар. Биз асцит суюқлигининг муаллифлик усулида филтрлашдан олдин ва кейин биокимёвий таркибининг қиёсий таҳлилини ўтказилдик (6-жадвал).

Асцит суюқлиги ва асцит концентрати биокимёвий таҳлилларини таққослаш


Кўрсаткич	Асцит суюқлиги	Асцит концентрати
АлАТ	29,50±11,40	3,0±0,40*
АсАТ	17,75±10,95	2,64±1,08*
Умумий билир. (мкмоль/л)	18,70±12,70	4,01±0,50*
Бевосита билир. (мкмоль/л)	6,45±4,05	1,15±0,94*
Калий (ммоль/л)	3,5±1,11	1,40±0,90*
Натрий (ммоль/л)	124,0±13,40	33,2±5,30*
Сийдикчил	14,61±10,60	0,09±0,02*
Креатинин (мкмоль/л)	152,84±60,08	12,05±1,27*
Аммиак (ммоль/л)	122,5±34,73	2,50±0,90*
Умумий оксил (г/л)	11,12±5,93	86,14±5,02*
Альбумин (г/л)	6,82±2,50	53,52±3,75*

*Илова: кўрсаткичлар 350 мл экссудатда текширилди.

P<0,01 – таққосланаётган кўрсаткичлар ўртасидаги ишончлилик мезони

Фильтрация технологиялари ўтказилганидан сўнг экссудатдаги сийдикчил, креатинин ва аммиак концентрацияларининг сезиларли камайиши кузатилди. Шу билан бирга, асцитни концентрлашнинг муаллифлик усули қўллангандан сўнг, оксил ва унинг альбумин фракцияларининг даражаси стандарт протеин эритмаси даражасига етади, бироқ альбумин эритмаларига бой беради.

2-расмда стандарт оксил эритмалари ва асцит концентратининг асосий таркибий қисмларининг қиёсий диаграммасини тақдим этамиз.



2-расм. Стандарт оксил эритмалари ва асцит концентрати асосий таркибий қисмларининг қиёсий диаграммаси

Таъкидлаш лозимки, асцит концентрати альбумин фракцияси таркиби жиҳатдан 5% альбумин эритмасидан қолишмайди. Бошқа тарафдан, асцит концентратида натрийнинг паст миқдори шиш-асцит синдроми бўлган ЖЦ билан беморлар учун айна муддао ҳисобланади, чунки организмда натрийнинг йиғилиб қолиши бу асорат ривожланишидаги асосий омиллардан биридир.

Шундай қилиб, асцит концентрати ўринбосар даволаш учун мўлжалланган юқори даражада умумий оксил ва унинг альбумин фракциясини сақловчи трансфузион оксилли эритма сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Асцит суюқлигини дефибринлаш, филтрлаш ва концентрлашнинг оригинал усулини қўллаш унинг токсиклигини пасайтиришнигина эмас, сифатий таркиб жиҳатдан уни стандарт 5% альбумин ёки протеин эритмаларига яқинлашиш имконини беради.

Альбумин фракциясининг юқори концентрацияси ва натрийнинг паст миқдори асцит концентратини ЖЦ билан беморларда шиш-асцит синдромини базис ва патогенетик асосланган даволаш сифатида қўллаш мақсадга мувофиқлигини белгилаб беради.

Концентрланган асцит суюқлиги реинфузиясини шиш-асцит синдроми билан асоратланган ЖЦ бўлган беморларда ПСШ дан кейинги реабилитация чора-тадбирлари комплексига қўшиш умумий оксил ва унинг альбумин фракциясининг гемоциркуляцияси ортиши ва кучайиши, жигарнинг оксил-синтетик ва детоксикация фаолиятларининг тикланиши билан кузатилади.

Кузатилишича, асцит синдроми билан асоратланган ЖЦ бўлган беморларда ПСШ дан кейинги реабилитацион чора-тадбирлар комплексига концентрланган асцит суюқлиги реинфузиясининг киритилиши умумий оксил миқдорининг $\Delta 7,2\%$ га ва зардобдаги альбумин миқдорининг $\Delta 10,3\%$ га ишончли ортиши билан тавсифланади, бу эса қон онкотик босимининг $\Delta 16,3\%$ га ортиши билан кузатилади. ЖЦ билан беморларда асцит суюқлиги реинфузияси самарадорлигининг қиёсий таҳлили асцит концентратини кўллаш ўзининг физиологик ва ўринбосар хусусиятлари туфайли стандарт оксилли эритмалардан қолишмайди, апирогенлик борасида эса улардан устун бўлади.


Диссертациянинг «Амалиётдан кейинги давр ўткир жигар-буйрак етишмовчилиги билан асоратланган беморларда даволаш-ташхислаш тактикаси ва интенсив терапияни ишлаб чиқиш», деб номланган олтинчи боби жигар-буйрак етишмовчилиги бўлган беморларни интенсив даволаш алгоритминини ишлаб чиқишга бағишланган. Дунёнинг етакчи гепатологик мактаблар ва ўзимизнинг шахсий тажрибамиз асосида полемик ҳолатда баён этилган ушбу бобда паренхиматоз-қон томир декомпенсация ва жигар комаси бўлган ЖЦ билан беморларни интенсив даволаш таҳлил қилинди ва янги стандартлар ишлаб чиқилди.

